



“ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН ТИЗИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ФУҚОРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИ ФАОЛИЯТИНИ ТИЗИМЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Ганиев Фаррух Тахиржанович

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси,
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва Криминология кафедраси
ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7745725>

ARTICLE INFO

Received: 06th March 2023

Accepted: 16th March 2023

Online: 17th March 2023

KEY WORDS

Обод ва хавфсиз маҳалла, йўл харитаси, иш дафтари, фуқаролар йиғини, ижтимоий-маънавий муҳит.

ABSTRACT

Мақолада мамлакатимизда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни тўлиқ ва самарали жорий этилишни таъминлашда фуқаролар йиғинлари ходимларининг лавозими бўйича ўз мажбуриятларини сифатли бажаришларини тизимли йўлга қўйиш юзасидан таклифлар берилган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда жамиятимизга дахлдор барча масалаларда маҳалланинг иштирокини таъминлаш, уни энг халқчил ҳамда одамлар дарди ва ташвиши билан яшайдиган тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқароларни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганиб, унга зарур ечим топиш, оилалардаги низоларни бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда жиноятчиликни барвақт аниқлаб, унинг олдини олиш каби масалаларда маҳалланинг роли тобора ортиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18-февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу Фармон билан аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нурунийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида уларга юклатилган, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини такрорловчи, ортиқча ва хос бўлмаган вазифа ҳамда функциялар қисқартирилди ва “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди[1]. Аммо қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар, чора-тадбирлар ва бошқа “Йўл хариталари” қанчалик мукамал бўлмасин, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда ижроси қўйи тузилмаларда, айниқса, маҳаллаларда тўлиқ таъминланмаса, фақат қонун ҳужжатларидагина белгиланган, аммо ижроси амалиётга самарали йўналтирилмаган тартиб-қоидаларнинг жамиятга ҳам, одамларга ҳам ҳеч қандай фойдаси тегмайди. Шу боис барча маҳаллаларда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни тўлиқ



ва самарали жорий этилишини таъминлаш учун фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг ўз лавозим мажбуриятларини сифатли бажаришларини тизимли йўлга қўйиш зарур деб ўйлайман.

Бугунги кунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарларининг вазифалари аниқ белгиланиб, уларнинг фаолиятини вазифалар тақсимолига мувофиқ манзилли ташкил этиш учун кунлик, ҳафталик ва ойлик амалга ошириладиган тадбирлар киритилган иш дафтари жорий этилмоқда. Иш дафтари жорий этишдан мақсад, унга аниқ манзилли тадбирлар киритиш ва ижросини таъминлаш бўлиб, режалаштирилган тадбир ижроси таъминланмадими, демак, ушбу тадбир кейинги кун иш режасига такроран киритилиши ва ижроси тўлиқ таъминланиши шарт[2]. Чунки ушбу тартиб йўлга қўйилмас экан, иш натижадорлиги самарасиз қолаверади. Шу сабабли бугунги кунда фуқаролар йиғини ходимлари томонидан иш дафтарига киритилган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан фуқаролар йиғини раисига кунлик ҳисобот тақдим этиб бориш тартиби амалиётга киритилмоқда. Ушбу тартибга мувофиқ ходимлар томонидан амалга оширилган иш натижалари ҳар иш куни якунида фуқаролар йиғини раиси томонидан умумлаштирилиб борилади.

Фуқаролар йиғинида фаолият олиб бориш ходимлардан юксак ақл-фаросат, кўп куч-ғайрат, изланиш ва топқирликни, ўз устида тинмай ишлашни, ўрни келганда, зарурий тадбиркорликни ҳам талаб қилади[3]. Маҳаллаларда амалга ошириладиган тадбирлар манзилли режалаштирилса, кўплаб муаммолар ўз ечимини топиб, юртимиз янада обод, турмушимиз эса фаровон бўлади. Лекин шуни тан олишимиз керакки, баъзи фуқаролар йиғинлари ходимларининг амалий фаолияти ва унинг самараси талаб даражасида эмаслиги аниқ кўриниб қолмоқда. Шу билан бирга, айрим раис ва ходимлар ўз ҳақ-хуқуқларини, бурч ва мажбуриятларини етарли даражада билмайдилар. Бугунги шиддатли давр эса барча раҳбар ва ходимлардан ҳар бир соҳанинг ўзига хос мураккабликларини яхши билишни, олдига қўйган мақсадини чуқур ҳис этган ҳолда фаолият юритишни талаб этмоқда. Шунинг учун фуқаролар йиғинлари ходимлари ўзларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида тизимли ва манзилли фаолият олиб боришни йўлга қўйишлари, фуқароларнинг ҳақли талабларини, муаммоларини эътиборсиз қолдириш ҳолатларига чек қўйишлари, уларни белгиланган тартибда кўриб чиқишда сусткашликка йўл қўймасликлари лозим.

Фуқаролар йиғинларида фаолият юритиш жуда серташвиш ва айни пайтда масъулиятли соҳа ҳисобланиб, доимо халқнинг дарди билан яшашни талаб этади. Ҳаётнинг ўзи бир маромда турмайди, ҳар бир кун қандайдир янгилик, ўзгариш олиб келади. Шу боис фуқаролар йиғини ходими доим ҳаётдан бир қадам олдинда юрмоғи, узоқни кўра билиши, нафақат бугунги кун, балки эртанги кун муаммолари устида бош қотира оладиган ташаббускор бўлиши ҳамда ўз билимини тинимсиз ошириб бориши лозим. Қачонки, раис ва унинг ўринбосарларининг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, таъмадан, ғараздан йироқ бўлса, уларнинг табиатида талабчанлик билан билим ва ақл-заковат уйғун бўлса, фақат шундагина улар одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалб қўридан ўтказишга қодир бўлади. Шундагина фуқаролар йиғинлари ходимларининг машаққатли меҳнатлари натижасида маҳаллалар обод бўлади, жиноятчилик ва

